

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЕНЕЖМЕНТИ” КАФЕДРАСИ**



**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК  
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЗАМОНАВИЙ  
БОШҚАРУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

*Республика илмий-амалий анжумани  
МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТҮПЛАМИ*

**2018 йил 16-17 апрел**

**Қарши – 2018**

139	Кўчқоров F.Ф.	Мамлакат иктисадиети баркарорлигини оширишда аҳоли бандлигини таъминлашнинг истиқболлари	375
140	Эркаева Г.	Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти	377
141	Холмуродов О.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш-янги иш ўринларини яратишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида	379
142	Бердиев К.Ҳ. Ҳамидов А.А.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли бандлигини ошириш омилидир	381
143	Аманов О.А. Тухтасинова М.	Ишсизлик даражасини камайтиришда инновацион иш билан бандликнинг аҳамияти	383
144	Махмудов С. Ш.	Кичик бизнесни ривожлантириш орқали ишсизлик муаммосини ечишнинг устувор йўналишлари	386
145	Раджабова Г. У. Мадаминжонов О.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳолибандлиги даражасини оширишдаги аҳамияти	388
146	Бердиев А.Ҳ.	Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларни ривожлантириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш	390
147	Хасанов Ш.Ҳ. Мингбоев Ш.	Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари	394
148	Казаков О.С. Убайдуллаев Л.	Либераллаштириш шароитида кичик бизнеснинг тутган ўрни ва ролини ошириш йўналишлари	397
149	Бердиев Ж.Қ. Ашуров М.	Хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялардан фойдаланиш хусусиятлари	399
150	Baxronov Sh.A. Siddiqov T.I	O‘zbekistonda xizmatlar ko‘rsatish sohasining rivojlanish istiqbollari	401
151	Usmanov Z.B. Usmanova Yu. Jahongirov A.	Iqtisodiyotda innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirish	404
152	Ahtamova M. E.	Innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirish istiqbollari	408
153	To`lanova Z.A.	Innovatsiya –iqtisodiy barqarorlik kafolati	409
154	Shodiboyeva M.	Iqtisodiyotni rivojlantirishdai nnovatsion tadbirkorlikni tashkiletishni iqtisodiy ahamiyati	413
155	Шадмонова Г.М. Сотволдиев М.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари	415
156	Мадияров F.А. Мадияров О.Ф.	Кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришда маркетинг стратегиясини аҳамияти	417

Бу эса 2020 йилга келиб қайта ишланган маҳсулотлар ҳажмини, яъни меваларни 40,0-45,0 % га, сабзавотларни 25,0 – 30,0 % га, узумни 45,0 – 50,0 % га кўпайишига олиб келади. Маҳсулотлар ҳажмини ошиши:

- қишлоқ ва туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни яратилишига;
- кичик корхоналар билан катта корхоналар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга асос солинишига;
- тармоклараро ва туманлараро интеграцияни йўлга қўйиш, рақобатбардош ҳамда юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, келгуси йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти аҳолининг бандлиги ва даромад манбаига айланади.

## **ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**О.С.Казаков., Л.Убайдуллаев – Наманган  
мухандислик-технология институти**

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўнжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнесни янада ривожлантириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини ошириб бориш ҳамда сифат жиҳатдан юксалтиришга аҳамият қаратилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, уларда экспортга мўнжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестицияий жозибадорликни ошириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустрясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш энг устувор йўналишлардан хисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳага эътибор кучайтирилмоқда. Президентимиз ва ҳукумат раҳбарлари ўз диққат-эътиборларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратмоқдалар.

2018 йилга белгиланган топшириқларни бажарилиши учун фаол тадбиркорликни йўлга қўйиш, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш муҳим омил

хисобланади. Кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнини ошириш орқали бу масалалар амалга оширилади.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни ва ролини янада ошириш мақсадида қуйидаги йўналишларни таклиф қиласиз:

1. Қабул қилинган қонуний ва меъёрий хужжатларнинг бажарилишига эришиш мақсадида тадбиркорларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча аъзоларини қонунга риоя қилишини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш.
2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ўринсиз аралашишлар ва текширишлар сонини кескин камайтириш мақсадида уларни юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилишни таъминлаш.
3. Кичик бизнес фаолиятида инновациялардан фойдаланиш ва бу жараёнга зарур инвестицияларни киритиш бўйича такомиллашган структурани яратиш. Янги техника ва технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш.

Иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биринчиси – бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўлса, иккинчиси ҳусусий тармоқнинг жадал ривожлантиришини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушкининг кўпайишини таъминлаш ва учинчи муҳим устувор вазифа – кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборатdir.

Мамлакатда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакат ялпи ички маҳсулотида унинг улушкини, қўшадиган хиссасини ошириш учун қуйидаги йўналишларни амалга ошириш лозим:

1. Давлат тузилмаларининг ҳусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўпроқ ўрганиш. Уларнинг ижобий томонларини олиш ва ўзимизда қўллаш катта самара бериши мумкин.
2. Кичик бизнес субъектларига, айниқса ишлаб чиқариш соҳаси билан шуғулланаётган кичик бизнес субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини енгиллаштириш томонига қайтадан кўриб чиқиш керак. 3. Кичик бизнес субъектларига зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш.
3. Биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш.
4. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун бу соҳага кўпроқ молиявий кўмак бериш, қўшимча солиқ имтиёзларини белгилаш лозим.
5. Кичик бизнес субъектларида ишлайдиган, айниқса марказдан узоқроқда жойлашган корхоналарда ишлайдиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш лозим.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар билан ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

7. Шартномамажбуриятларини бажаришюзасиданқатъийинтизомурнатиш.

Шартномаларни бажарилмаслик холатларини йўқотиш ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

8. Ушбу йўналишлардан самаралитарзда фойдаланиши кичик бизнес ватадбиркорлик фаолиятини мамлакатиқ тисдиётидагитаъсириниянада оширади.

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Бердиев Ж.Қ.-ҚарМИИ, ассистенти  
Ашурев М.-ҚарМИИ талабаси**

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётнинг барча соҳалари мутаносиб ривожланишига эътибор бериб келинмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланиб, давлат бюджетини тўлдиришнинг, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишнинг самарали дастаги ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳозирги кунда республикамиз иқтисодчи олимлари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Хизматлар кўрсатиш соҳасининг мослашиш имкониятлари билан соҳага инновацияларни тадбиқ этишни боғлаш муаммоларини кўриб чиқамиз. Инновацияларни тадбиқ этишнинг умумий қонуниятларига тўхталиб ўтамиз.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновация сифатида жамият эҳтиёжларини самаралироқ қондиришга қодир инновацион фаолият натижаси бўлган сервис маҳсулоти, технология ёки унинг алоҳида элементлари, сервис хизмати кўрсатишни янгича ташкил этиш ва бошқалар майдонга чиқади.

Янгиликлар киритишнинг базис усуллари, яъни мижозларга сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этишни бутунлай янгилайдиган ўзгаришлар ва хизмат кўрсатиш жараёнини баъзи қисмларинигина такомиллаштирадиган қисман инновацияларни фарқлаш лозим. Иккала инновация шаклида ҳам сервис фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари такомиллашади, хизмат кўрсатиш вақти қисқаради, мижозларга қўшимча қулайликлар яратилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг асосий турлари қўйидагилар:

- техник, янги техника, ускуналар ва хизмат кўрсатишда меҳнатни ташкил этишнинг техник-технологик усуллари. Ҳозирги пайтда хизматлар кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг бу тури кўпроқ мижозлар билан ишлашни енгиллаштириш учун компьютер технологияларини хизмат кўрсатиш жараёнига жорий этиш ва умуман хизмат кўрсатиш жараёнини информацион технологиялар билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш;